



## Савол:

хурматли шайх, ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.  
Баъзи одамлар севги байрамини нишонлайдилар, шунга нима дейсиз?

## Жавоб:

Алҳамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳи ва ала олиҳи ва соҳбиҳи ва саллам. Севги куни ва ундан бошқа ғайри мусулмонларнинг байрамларини нишонлаш мумкин эмас. Чунки, унда кофирларга ўзни ўхшатиш, уларга тақлид қилиш мавжуд. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлган ҳадисда ул зот дедилар: «Ким ўзини бир қавмга ўхшатса у ўшалардан.» Абу Довуд 4031 Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхума ривояти. Бу ифлос байрам ўша байрамларнинг энг қабиҳидир, чунки, бу кунни разолат ошиқларидан бирининг ҳалокати туфайли байрам қилинади. Бу кунни байрам қилишда ана шу бадбаҳтнинг маслагини тан олиш борлиги иккинчи мункардир. Валлоҳу аълам.

Абдуллоҳ ал-Фақиҳ мушрифлигидаги фатво маркази.